

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ**

**МУСАЕВ УМИДЖОН САИДКАМОЛОВИЧ**

**ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЁШЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН  
ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**УДК: 159.955:681.3**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
philosophical sciences**

**Мусаев Умиджон Саидкамоллович**

Глобаллашув шароитида ёшларнинг инновацион тафаккурини  
шакллантириш механизмлари ..... 3

**Мусаев Умиджон Саидкамоллович**

Механизмы формирования инновационного мышления молодежи  
в условиях глобализации ..... 23

**Musayev Umidjon Saidkamolovich**

The mechanisms of formation of innovational thinking in youth in the conditions  
of globalization.....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 48

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ**

**МУСАЕВ УМИДЖОН САИДКАМОЛОВИЧ**

**ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЁШЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН  
ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Fal328 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика Маънавият ва маърифат марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тураев Шавкат Нишоневич  
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Назаров Қиём Нормирзаевич  
фалсафа фанлари доктори, профессор

Вохидова Мунира Тулкиновна  
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.F.72.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "29" октябрь соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-29-14; факс: (65) 221-57-27, e-mail: buxdu\_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (187 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2022 йил "15" октябрь кuni тарқатилди.  
(2022 йил "15" октябрь даги 21 рақамли реестр баённомаси.)



*[Signature]*  
**Наврўзова Г. Н.**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
фалсафа фанлари доктори, профессор

*[Signature]*  
**Шарипов А. З.**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби,  
фалсафа фанлари доктори, доцент

*[Signature]*  
**Саломова Х. Ю.**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
фалсафа фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда глобаллашув жараёнларининг тобора авж олиши умумбашарий муаммоларни ҳал этишда ҳамда тараққиётга эришишда ёш авлод онгида инновацион тафаккурни шакллантиришни талаб этмоқда. Бу кадрлар тайёрлаш ва таълим тизимини замон талабларига мос ислоҳ қилиб бориш, интеллектуал салоҳиятли, креатив фикрловчи ёшларни тарбиялашни тақозо этмоқда. Шу нуқтаи назардан интеллектуал салоҳиятига эга ёшларни тарбиялашда инновацион ва креатив тафаккур мезонларини, ёшлар келажагига раҳна солувчи, ўзида ёвуз ва бузғунчи ғояларни намоён этувчи, таҳдид ва хатарларга оид ечимларни ҳамда инновацион тафаккурни шакллантириш хусусиятлари ва ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятларини очиқ бериш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илм-фанида инновацион тафаккур, сунъий интеллект ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни автоматлаштириш, ёшларда креатив фикрлашни тадқиқ этишга қаратилган фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Инсон капиталига асосланган жамиятни барпо этишда илм-фан ва таълимга устувор йўналиш сифатида қараш инновацион муҳитни яратиш, илмий-тадқиқотлар натижадорлигини ошириш ва яратувчанликни рағбатлантириш мақсадлилигини кўрсатмоқда. Шу сабабли инновацион муҳит яратиш ҳамда узлуксиз таълим-тарбия тизимида инсон капиталининг ривожланишига асосланган жамиятни барпо этишда инновацион тафаккурни шакллантиришнинг “илм орқали билим” тамойили қонуниятини жорий этиш, ёшлар интеллектуал салоҳиятини юксалтиришнинг концептуал асосларини тадқиқ этиш зарурати ортиб бормоқда.

Мамлакатимизнинг янги тараққиёт стратегияси асосида таълим сифатини ошириш, илмий-инновацион фаолиятни ривожлантириш, ёшлар тафаккурида инновацион фаолият ролини ошириш, уларнинг илмий ҳамда инновацион фаоллигини қўллаб-қувватлашга оид қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. “Юртимиздаги янгиланиш жараёнлари ва ислоҳотларга дахлдорлигини чуқур ҳис қиладиган, мамлакатимизнинг энг ривожланган давлатлар қаторига киришидаги ўз ўрни ва иштирокини теран англайдиган, бу йўлда фаол фуқаролик позициясига, креатив ва инновацион тафаккурга эга бўлган замонавий шахсларни тарбиялашнинг концептуал асослари ва амалий фаолият мезонлари ишлаб чиқилмаган. Бу эса соҳада жиддий бўшлиқ мавжудлигини яна бир маротаба исботламоқда”<sup>1</sup>. Айниқса, инсониятнинг тарихий-тараққиёт жараёнида тафаккурда инновацион характернинг ривожланиши, генезиси ва ривожланиш босқичларини илмий-назарий асослаш, етук интеллектуал салоҳиятли ёшларни тарбиялаш механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. - Тошкент: “O‘zbekiston”, 2021. – Б. 294-295.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2022 йил 6 июлдаги ПФ-165-сон “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарорлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги 23-сон “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2022 йил 7 июндаги 312-сон “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг асарлари, фармон ва қарорлари, таълим ва фан тараққиёти, инновацион фикрлаш, инновацион технологияларни кучайтириш борасидаги ғоялари, фикр ва мулоҳазалари тадқиқот ишимиз методологик асоси бўлиб хизмат қилган<sup>2</sup>.

Жаҳон илм-фанида инсон тафаккурини ривожлантиришга оид ғоя ва қарашлар дастлаб Сукрот ва Афлотун, Пифагор, Арасту қарашларида илгари сурилган бўлса, кейинги даврларда Ф. Нитце, З. Фрейд, Л. Гринин, Е. Войшвилло, Г. Айзенк, А. Бине, Р. Стернберг асарларида инсон тафаккурининг креатив ва инновацион томонларига урғу берилган, унинг фалсафий, мантикий, социологик, психологик томонлари тадқиқ этилган<sup>3</sup>.

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан-миллий юксалиш каби. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 360 б; Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2021. – 464 б.

<sup>3</sup> Пифагорейские Золотые стихи с комментарием Гиерокла. //Перевод с древнегреческого Петер И. Ю. — М.: Новый Акрополь, 2000. – 160 с; Платон. Диалоги. – Харьков. Фалио, 1999. – 157 с; Аристотель. Политика.// Соч. В четырёх томах. Т. 4. – М.: Мысль,1984. – 832 с; Нитце Ф. Несвоевременные размышления. –М.: Азбука-классика, 2009. – 210 с; Фрейд З. Введение в психоанализ: Лекции. –М.: Мысль, 1989. – 379 с; Гринин Л.Е. Глобализация и национальный суверенитет. // История и современность. М: 2005. -№1. – 27 с; Войшвилло Е.К. Понятие как форма мышления: логико-гносеологический анализ. – М.: Изд-во МГУ, 1989. – 239 с; Айзенк Г. Природа интеллекта – битва за разум: как формирующая умственные способности. Intelligence: the battle for the mind. – М.: Эксмо-Пресс, 2002. – 352 с; Бине А. Методы изучения умственной

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари олимлари А. Гетманова, В. Бабуринов, С. Земцов, С. Никитин, И. Глущенко ва В. Горегляд томонидан олиб борилган тадқиқотлар инсоният тамаддунида инновацион қараш ва инновацион тафаккурнинг ўрнини очиб беришда муҳим аҳамият касб этади<sup>4</sup>.

Ўзбекистонда тафаккур ривожига ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари ҳақидаги изланиш ва тадқиқот масалалари С. Отамуродов, М. Абдуллаева, Қ. Назаров, А. Мавланов, Н. Шермухаммедова, Э. Ғозиев, Д. Файзихўжаева, Ш. Тўраев, М. Мусаев, Г.Н.Наврўзова, Ҳ.Саломова, А.Бердимуратова, Х.Рахматоваларнинг тадқиқотларида инновацион тафаккур хусусиятлари очиб берилган<sup>5</sup>.

Юқорида қайд этилган хорижлик ва мамлакатимиз олимларининг илмий изланишлари алоҳида эътиборга молик бўлса-да, бироқ ўрганилган тадқиқотлар, манбалар ва изланишлар таҳлилига кўра, тафаккур эволюцияси, ёшларнинг инновацион, креатив тафаккури ва фикрлашини шакллантириш хусусиятлари, механизмлари мустақил тадқиқот объекти сифатида махсус ўрганилмаганлиги ёшларнинг инновацион тафаккурини шакллантириш механизмларининг назарий-методологик асосларини алоҳида тадқиқ этишни тақозо этмоқда.

**Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Республика Маънавият ва маърифат маркази илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятни оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури” (2019-2022 йй) йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** глобаллашув шароитида ёшларнинг инновацион тафаккурини шакллантириш механизмларини

---

одарённости. ГИЗ. Украина, 1923. – 172 с; Стернберг Р. Практический интеллект // Practical Intelligence in Everyday Life. — СПб.: Питер, 2002. – 272 с.

<sup>4</sup> Гетманова А. Д. Учебник по логике. - М.: Владос, 1995. – 164 с; Бабуринов В.Л. Инновационный потенциал регионов России. - М.: КДУ “Университетская книга”, 2017. – 358 с; Земцов С.П. Институты, предпринимательство и региональное развитие в России // Журнал Новой экономической ассоциации. 2020 - Т. 46, - № 2. – 168-180 с; Никитин С. М. Наука в современной капиталистической экономике. - М.: Наука, 1987. – 237 с; Глущенко И. И. Система стратегического управления инновационной деятельностью. - Железнодорожный: “Крылья”, 2006. - 356 с; Горегляд В. П. Инновационный путь развития для новой России. - М.: Наука, 2005. – 343 с.

<sup>5</sup> Отамуродов С. Глобаллашув ва миллат. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2008. – 204 б; Абдуллаева М. Философские проблемы методологии науки. – Т.: Отдел Института философии и права им. И.М.Муминова АН РУз. 2006. – 68 с; Назаров Қ. Фалсафа асослари ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон файласуфлари илмий жамияти, 2018. – 380 б; Мавланов А. А. Мантик маърузалар матни. –Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. – 127 б; Шермухамедова Н.А. Илмий тадқиқот методологияси. –Т.: “Фан ва технология”, 2014. – 512 б; Ғозиев Э.Ғ. Хотира психологияси. –Т.: Университет, 1994; Файзихўжаева Д. Абу Наср ал-Фаробий ва Абу Али Ибн Сино мантикий исботлаш ҳақида. – Т.: 2015. – 28 б; Тўраев Ш. Миллий гоё ва мафкуралар тарихи. -Т.: 2022. – 212 б; Мусаев М. Глобаллашув шароитида миссионерлик ва прозелитизмнинг жамият ҳавфсизлигига таҳдиди. Дис. фан. ном.сиёсий: – Т.: 2020. – 155 б; Наврўзова Г.Н. Ғазолийнинг фалсафага муносабати. Фалсафа ва фанлар методологияси муаммолари.(Тўплам). Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2011. 1-китоб. – 103-105 б; Саломова Ҳ. Ғазолий ва мезон // Шарқ юлдузи – 1996. -№ 5. – 152-156 б; Бердимуратова А. Логика учебные и методические пособия. – Т.: Ношир, 2018. – 256 б. Наврўзова Г. Н., Рахматова Х. Х. Нақшбандия тушунчалари генезиси. – Бухоро: “Бухоро”, 2010. – 123 б.

такомиллаштиришнинг ижтимоий-фалсафий концептуал асосларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

инсоният тафаккур тарзининг шаклланиши ва ривожланишини тарихий-тараққиёт жараёни нуқтаи-назаридан тадқиқ этиш;

“инновация”, “инновацион тафаккур” тушунчаларининг глобаллашув шароитидаги аҳамиятини ва инновацион тафаккур тарзини креатив тафаккур тарзи асоси эканлигини асослаб бериш;

ёшларнинг инновацион тафаккурини шакллантиришнинг ижтимоий – фалсафий хусусиятлари ва ривожлантириш механизмларини асослаш;

таълим тизимида инновацион, креатив тафаккурни шакллантирувчи услубларни ишлаб чиқиш;

мамлакатимиз таълим тизимидаги ислоҳотлар ва ривожланган давлатлар таълим тизимларининг инновацион томонларининг фалсафий моҳиятини очиб бериш;

ёшлар онги, тафаккурига раҳна солувчи зарарли иллатлар, ғоя ва таҳдидларни аниқлаш ҳамда уларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг фалсафий-концептуал асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида глобаллашув шароитида ёшларининг инновацион ва креатив тафаккурини шакллантиришга оид назарий-методологик ва ижтимоий-фалсафий концепциялар ҳамда уларни амалга ошириш билан боғлиқ жараёнлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** ёшлар инновацион тафаккурини ривожлантириш механизмлари ва уларнинг жамият ривожига таъсири этишининг концептуал хусусиятларини илмий асослаш билан белгиланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тарихийлик, мантиқийлик ва ворисийлик, ретроспектив, тизимли функционал таҳлил, комплекс ёндашув, социодинамик ёндашув, социологик таҳлил, диалектик ва синергетик илмий билиш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиликлари** қуйидагилардан иборат:

инсониятнинг тарихий-тараққиёт жараёнида тафаккурда инновацион характернинг шаклланиши, фикр юритиш, қарор қабул қилиш, тўғри ҳаётий йўл тутиш каби шарқона, натурфалсафий ва рационалистик ғарбона тамойилларга асосланган генезиси, мистик, диний-маърифий, диалектик ва аналитик ривожланиш босқичлари, файласуф олимларнинг пантеистик, теоцентрик, интуитив ва цивилизацион фикр ва қарашлари фалсафий жиҳатдан очиб берилган;

жамият ва давлат ривожига тенглик, адолатли жамият, фуқаролик жамияти, жамоатчилик назорати, инсон қадри тамойилларни таъминлаш интеллектуал салоҳият билан боғлиқ эканлиги асосланиб, инновацион ва креатив тафаккур оқилона амалий фаолият билан шуғулланишига имкон бериши, инсон интеллектининг интеграл структураси профессионал фаолияти орқали юзага чиқиши сабабли интеллектуал салоҳиятга эга ёшларни тарбиялашнинг мезони эканлиги асослаб берилган;

давлат ва жамият фаровонлигини таъминлашда интеллектуал салоҳияти юқори, инновацион фикрлай оладиган тафаккури теран ёшларни тарбиялашнинг мақсад ва муддаоларини тўғри шакллантириш, тарихий жараёнларнинг инсоният тафаккурига таъсири, моддий ва маънавий эҳтиёжлар боғлиқлиги, узлуксиз таълим тизими каби омилларнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятлари аниқлаштирилган;

ёшлар инновацион тафаккурини шакллантиришда келажакка раҳна солувчи, ўзида ёвуз ва бузғунчи ғояларни намоён этувчи таҳдид ва хатарларга қарши ўз-ўзига нисбатан талабчанлик, мақсадни ифодалай олиш, лидерлик қобилиятини ривожлантириш механизмлари ҳамда мафкуравий иммунитетни шакллантириш, дахлдорлик ҳиссини ошириш, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлигига эришиш, инсонпарварлик ва халқпарварлик каби тамойиллар илғор тажрибалар асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

давр ва замон руҳи ўзгаришларида шаклланган тафаккур ўзгаришининг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий жамият ривожининг боғлиқлиги ва тафаккурининг илмий-тадқиқот жараёнида муҳим аҳамиятга эгаллиги назарий-методологик жиҳатдан исботланган;

инновацион ва креатив тафаккур услуби шаклланиши, ёшлар интеллектуал салоҳиятининг юксалиши ҳар томонлама таълим тизими билан боғлиқ эканлиги илғор хорижий таълим тизимларини тадқиқ этишда ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишда фойдаланилган;

ёшлар инновацион онги ва тафаккурига раҳна солувчи зарарли иллатлар, ғоя ва таҳдидларга оид хулосалар ҳамда уларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг фалсафий-концептуал асослари такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий қарашлар, ёндашув услублари, усуллар ва илмий маълумотларнинг расмий манбалардан, ишончли далиллардан олинганлиги, ҳалқаро ва республика доирасидаги илмий-амалий конференция тўпламларида, хорижий ва маҳаллий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, диссертацияда илгари сурилган таклиф ва тавсияларнинг бевосита амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган назарий-услубий хулосалар ва амалий тавсиялардан инновацион тафаккурни шакллантиришга оид назария ва унинг илмий-методологик асослари, ёшларда инновацион интеллект ва креатив фаолликни ошириш масалалари таҳлилида назарий ҳисса қўшиши, жамият ва янги тараққиёт босқичида Ўзбекистоннинг юксалиш аҳамиятининг ижтимоий-фалсафий жиҳатларига оид назарий-услубий асосларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, ишлаб чиқилган хулоса ва тавсиялардан мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ тараққиёт дастурлари, давлат ва жамият қурилишинини ислоҳ қилиш, модернизация қилиш бўйича инновацион ғояларни ишлаб чиқиш, халқимизнинг инновацион тафаккурини юксалтириш, ёшлар ижтимоий онгида замонавий ўзгаришларга бўлган интилишларни янада кучайтириш, таълим муассасаларидаги ўқув-тарбиявий жараёнларни ташкил этишда, ёшлар билан ишлаш институтлари фаолиятида, Республика Маънавият ва маърифат марказининг маънавий-маърифий тадбирлар, очиқ мулоқот ва давра суҳбатларида, амалий-услубий тавсияларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги.** Глобаллашув шароитида ёшларнинг инновацион тафаккурини шакллантириш механизмларини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

инсониятнинг тарихий-тараққиёт жараёнида тафаккурда инновацион характернинг шаклланиши, фикр юритиш, қарор қабул қилиш, тўғри ҳаётий йўл тутиш каби шарқона, натурфалсафий ва рационалистик ғарбона тамойилларга асосланган генезиси, мистик, диний-маърифий, диалектик ва аналитик ривожланиш босқичлари, файласуф олимларнинг пантеистик, теоцентрик, интуитив ва цивилизацион фикр ва қарашларига оид илмий хулоса ва умулашмалардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг “Глобаллашув шароитида тинчлик ва барқарорликка таҳдид солувчи ғоявий, мафкуравий ва ахборот ҳуружларига қарши курашнинг замонавий механизм ва технологияларини яратиш” (2017-2021 йй) мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда ҳамда 2021 йил “Интернет майдонидаги маънавий таҳдидлар ва уларга қарши курашишнинг усуллари” мавзусида туркум ҳудудий ва масофавий ўқувлар ташкил этишга қаратилган тарғибот ишларини амалга оширишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 12 ноябрдаги 03/08/1435-сон маълумотномаси). Натижада, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, маънавий-маърифий тарғибот ишлари ва ёшларда зарарли ёт ғояларга қарши иммунитетни шакллантиришдаги тарғибот-ташвиқот ишларининг самарадорлигини оширишга, ёшларда соғлом дунёқараш, китобхонлик кўникмасини шакллантириш, интернет, ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш маданиятини юксалишига хизмат қилган;

жамият ва давлат ривожидида тенглик, адолатли жамият, фуқаролик жамияти, жамоатчилик назорати, инсон қадрли тамойилларни таъминлаш интеллектуал салоҳият боғлиқ эканлиги асосланиб, инновацион ва креатив тафаккур оқилона амалий фаолият билан шуғулланишига имкон бериши, инсон интеллектининг интеграл структураси профессионал фаолияти орқали юзага чиқиши сабабли интеллектуал салоҳиятга эга ёшларни тарбиялашнинг мезонига доир таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги низомининг III боби Г банди “Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари!” ғояси атрофида бирлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон

Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг 2021 йил 9 ноябрдаги 2-13-23-2783-сон маълумотномаси). Натижада, ёшларнинг билим олишларини рағбатлантириш, уларда инновацион тафаккур ва креатив фикрлаш қобилиятларини шакллантириш, давлат ва жамият фаровонлигини таъминлашда ҳар томонлама етук интеллектуал салоҳияти юқори, ватанпарвар ёшларни тарбиялашга доир тарғибот-ташвиқот тадбирлари дастурларининг назарий-методологик асосларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

давлат ва жамият фаровонлигини таъминлашда интеллектуал салоҳияти юқори, инновацион фикрлай оладиган тафаккури теран ёшларни тарбиялашнинг мақсад ва муддаоларини тўғри шакллантириш, тарихий жараёнларнинг инсоният тафаккурига таъсири, моддий ва маънавий эҳтиёжлар боғлиқлиги, узлуксиз таълим тизими каби омилларининг ижтимоий-фалсафий хусусиятларига доир илмий янгилик ва хулосалардан Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг “Ёшлар қаноти” дастурини амалга оширишда, IV. Ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, мамлакатда таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ этишнинг устувор йўналишлари ижросини таъминлашда “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари”, “Инсонни ўзгартириш орқали жамиятни ўзгартириш”, “Узлуксиз тарбия ва таълим – мустақкам жамият ва қудратли давлат пойдевори” тарғибот тадбирларини сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгашининг 2021 йил 4 ноябрдаги 04/01-381-сон маълумотномаси). Натижада, жамият ва давлат ривожининг асосий таянчи ҳисобланган ёшларнинг билим даражасини юксалтириш, ватанпарварлик, жамиятимизда амалга оширилаётган ўзгариш ва ислоҳотларга шахсий дахлдорлик туйғуларини шакллантиришдаги тарғибот ишлари самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

ёшлар инновацион тафаккурини шакллантиришда келажакка раҳна солувчи, ўзида ёвуз ва бузғунчи ғояларни намоён этувчи таҳдид ва хатарларга қарши ўз-ўзига нисбатан талабчанлик, мақсадни ифодалай олиш, лидерлик қобилиятини ривожлантириш механизмлари ҳамда мафкуравий иммунитетни шакллантириш, дахлдорлик ҳиссини ошириш, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлигига эришиш, инсонпарварлик ва халқпарварлик каби тамойилларга оид назарий хулоса ва умулашмалар ҳамда амалий таклиф-тавсиялардан Хоразм вилояти телерадиокомпаниясининг 2021 йил апрел-май ойларида эфирга узатилган “Ассалом Хоразм” телекўрсатувлари дастур сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Хоразм вилояти телерадиокомпаниясининг 2021 йил 12 ноябрдаги 09-05/21-203-сон маълумотномаси). Натижада, оммавий ахборот воситалари орқали ёшлар инновацион ва креатив тафаккурини ривожлантиришга доир телекўрсатувлар ва тарғибот ишлари самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари жами 3 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола (4 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 165 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертация бажарилаган муассаса илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети ва усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифланган.

Диссертациянинг **“Тафаккурни тадқиқ этишнинг назарий-методологик асослари: инновацион фикрлашнинг шаклланиши”** деб номланган биринчи бобида тафаккур ва тафаккур ҳақидаги инновацион қарашлар, тафаккурда инновацион характернинг вужудга келиши, онг ва тафаккурнинг инсоният тарихий тараққиёти жараёнида шаклланиб, ривожланиб келиши таҳлил қилинган. Тадқиқотчи, айрим олимларнинг тафаккур ва унинг тарихий тадрижий ривожланиш жараёнида инновацион характерига тўхталиб, файласуф олимларнинг қарашлари ва мулоҳазаларини фарқлаган.

Диссертант фикрича, “тафаккур” арабча сўздан олинган бўлиб, ўзбек тилидаги таржимаси “фикрлаш ва ақлий билиш” сўзларининг синоними сифатида қўлланилади. Инновацион тафаккур – бу тафаккур қилишнинг янги ва фаол, лидерлик шакли бўлиб, инновация барча соҳаларга нисбатан қўлланилганда янгиланиш ва ўзгариш, янгилик киритиш, иш фаолият самарадорлигини ошириш демакдир.

Диссертацияда дастлабки инсоният тамаддунида инновацион қарашлар ривожланишининг тарихий механизмлари ёритиб ўтилган бўлиб, милоддан аввалги IV минг йилликнинг охири - III минг йилликнинг бошларида қадимги Миср ва Бобил халқларининг ҳаёт тарзи, оламга ва ён-атрофга бўлган муносабати ривожланиши билан вужудга кела бошлаган. Ҳозирги давр билан солиштирганда уларни инновация деб атай олмаймиз, аммо шу давр учун олиб қарайдиган бўлсак инновацион кўриниш касб этади. Мисол учун: пирамидалар қурилиши. Милоддан аввалги II мингйилликнинг охири – I мингйилликда қадимги Ҳиндистонда, милоддан аввалги II мингйилликнинг охири – I мингйилликда Хитойда, милоддан аввалги I мингйилликда қадимги Юнонистонда, милоддан аввалги I мингйилликда Марказий Осиё

худудларида инсонлар онги тафаккурида, ижтимоий ҳаётий қарашларида илк инновацион ва маданий юксалишга қаратилган инсон онги креативлигини кўриш мумкин. Маданий ривожланиш натижасида мазкур худудларда фалсафий фикрларнинг пайдо бўлиши, инсоннинг табиат ва олам ҳақидаги тасаввурларининг шаклланиши, унинг ривожланиш куртаги дейиш мумкин. Ҳозирги кундаги фанларнинг ривожланиши ҳам айнан шу даврлардаги инсон онгида пайдо бўлган инновацион ва креативлик асосида шаклланган ҳамда ҳозирги кўринишни касб этганлиги, бунинг барчасининг негизида содда фалсафий дунёқараш ва мушоҳада ётиши илмий таҳлил қилинган.

Диссертант мулоҳазаларига кўра, фалсафий дунёқараш ва тафаккур ривожланиши инновацион қарашлар замини ҳисобланади. Шарқ ва Ғарб олимларининг инсон тафаккурининг юксалиши, тафаккур ҳақидаги қарашлари, уларда инновацион ва креатив фикрларнинг вужудга келиши, даврлар ўзгаришининг инсонга таъсир этиши эмас, инсон тафаккурининг ўсиши даврлар ўзгаришига таъсири очиқ берилган. Мисол учун, Миср пирамида матнлари, ведалар, буддизм, хиндуизм, конфуцийлик, даосизм, зардуштийлик, монизм, маздақийлик, қадимги Юнон фалсафасида, классик ва ноклассик давр файласуфларининг тафаккур ҳақидаги қарашлари таҳлил қилиб чиқилган.

Диссертацияда Шарқ ва Ғарб файласуф олимларнинг қарашларидаги инновацион ёндашувлар таҳлилий асосда ўрганилган. Мисол учун: Эмпедокл “тафаккур сезгига ўхшайди”, - дея таъкидлаб, у фикрни сезги билан айнан бир нарса дейди. Аммо ҳақиқат мезони сезгилар эмас, балки тўғри фикрлашдир, фикрлаш тафаккурга хос тушунчадир. Эмпедоклнинг қарашларининг исботи сифатида Демокрит реал мавжуд атомлар ва бўшлиқни сезги аъзоларимиз орқали билиш мумкин бўлмаганлиги учун уларни фақат тафаккур орқали билиш мумкин. Чунки нарса ва ҳодисаларни ташкил этувчи бўшлиқ ва атомларни сезгиларимиз орқали билолмаймиз, чунки улар майда заррачалардир. Тафаккур орқали олинган билимимиз “ҳақиқий” билимдир. Афлотун фикрларида билимларни ҳиссий ва ақлий қисмларга бўлади. Ҳиссий билим – қуйи тур, ақлий билим эса юқори турдир. Уларнинг ҳар бири ўз навбатида “тафаккур” ва “идрок”ка бўлинади. Афлотуннинг фикрича, “тафаккур” биргина ақлнинг фаолиятидир деб таъкидлаб ўтади. Эпикур қарашларига кўра, сезгилар асосида тафаккур унинг реаллигини кўрсатишга уринади. Ақлий билиш ҳиссий билишга таянади,<sup>6</sup> - деб таъкидлаб ўтади. Шарқ алломаларидан Ал-Киндий тафаккур ва тафаккурлаш асосига рационал билимларни кўяди ва тафаккурнинг рационаллик асосида шаклланишини очиқ беришга ҳаракат қилади<sup>7</sup>.

Диссертант фикрича, Ғарб фалсафасида тафаккурга нисбатан бир қанча қарама-қарши фикрлар юзага келган бўлиб, жумладан: Лукреций Кар сезгилар орқали атомларни кўра олмаймиз, уларни фақат тафаккур орқали умумлаштириб биламиз. Биз албатта, ҳақиқатга эришамиз, чунки бизнинг

<sup>6</sup> Йўлдошев С., Усмонов М., Каримов Р. Қадимги ва ўрта аср Ғарбий Европа фалсафаси. – Тошкент: “Шарқ”, 2003. – Б. 119

<sup>7</sup> Шарипов М. Ш., Файзихўжаева Д.Э., М.Сафарбоев. Мантик. – Тошкент, 2012. – Б. 420.

тафаккуримиз муайян ашёвий далилларга таянади, сезгиларимиз эса ташқи моддий дунёни шубҳасиз тўғридан тўғри акс эттиради. Августин фалсафасида эса, у худони фалсафий тафаккурнинг марказий мавзусига айлантирди. Унинг фалсафаси теоцентрик руҳда, яъни худо фалсафий тафаккурнинг марказидир деб таъкидлаб ўтади ва унинг таълимоти ўрта аср тафаккурининг белгилловчи маънавий омилига айланиб, бутун Ғарбий Европа христианлик таълимотига катта таъсир кўрсатди. Мўътадил реализм вакили Абеляр, “Мен эътиқод қилиш учун биламан”, - дейди. Ислом фалсафасида Мансур Ҳаллож ҳам худди шунга ўхшаш фикрлар билдириб ўтган: “Анал ҳақ”. Мансур Ҳаллож ўлими олдида ҳам ўзининг ҳақ эканлигини исботлашга уринган “Агар Оллоҳни танимасангиз, яратганларини танинг. Мен ўша яратқиман. Мен Ҳақман. Чунки мен Ҳақ ила бақо бўлдим. Агар мени ўлдирсалар, оёқ ва қўлларимни чормих этсалар ҳам бу фикрдан воз кечмасман”<sup>8</sup>. Абеляр тафаккурнинг ҳақиқатни топишдаги ролини таъкидлаб, у доимо тафаккурга авторитет(нуфуз) сифатида мурожаат қилади. Ҳақиқатни англашда тафаккурнинг ўрни ва аҳамиятини юқори баҳолайди. Унинг фикрлари асосан илоҳийлик касб этган. XV-XVI асрларда Уйғониш даврида Пьер де ла Раме нафақат Францияда, балки Ғарбий Европада схоластик Арастуизмнинг танқидчиси ҳамда математик ва мантиқчи олим сифатида ёрқин из қолдирган. Унинг фикрича, тафаккурни қадимий анъаналардан ва Арасту нуфузи (авторитет)дан озод қилиш керак. У янги метод “табий донолик” тамойилларига асосланиши керак, деган фикрни илгари сурган ва кўплаб фанларда янгича талқин тақдим этишга уринган, аммо муваффақиятсизликка учраган. Ф.Бэкон тафаккурлаш жараёнига нисбатан шундай фикр билдириб, тафаккурлаш жараёнида – инсон излаган ҳақиқати ва нарсасини топади, ё топган ҳақиқати ва нарсаси ҳақида ваъзлар ўқийди. Нима воқелик ҳақида мулоҳаза қилаётганини эслаб, бошқаларга ўзи эса сақлаб қолган нарсаларни тушунтиради деб таъкидлаб ўтган.

Диссертацияда XVII-XVIII асрларга келиб Ғарбий Европа илм-фан ва маданият марказига айлангани таъкидланади. Бу эса, ўз навбатида, фанда янги илмий методларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига олиб келди. Илм-фанда кашфиёт ва ихтиролар, креативлик ва инновацияларнинг бошланиш даври дейиш мумкин. Бу даврда Француз маърифатпарвари Кондильяк тафаккурга ўзгача ёндашиб, уни тил воситасида тафаккурнинг вужудга келиши ва тафаккур воситасида тилнинг вужудга келганлигини асосланган. Тил ва тафаккур бирлигини англаб, тафаккур тилнинг пайдо бўлиши ва тараққий этиб бориши билан ёнма-ён равишда вужудга келади ва ривожланади деган фаразни илгари суради. Инсоният инновацион тафаккури тараққиётига катта ҳисса қўшган мутафаккир Гегел бўлиб, объективлик билан субъективлик ўртасидаги тафовут тафаккурдагина бўлади. Унинг фикрича, тафаккур инсоннинг субъектив фаолиятигина бўлиб қолмасдан, инсондан ҳоли, унга боғлиқ бўлмаган субъектив моҳиятдир. Объектив

---

<sup>8</sup> Иброҳим Ҳаққул. Асрори Ҳаллож. // <https://kh-davron.uz/kutubxona/islomiya-adabiyot/tasavvuf/ibrohim-haqqul-asrori-halloj.html>

моҳият сифатида тафаккур барча мавжудликнинг манбаи ва ибтидоси ҳисобланади дея тарифлаб ўтган. Ҳақиқатдан ҳам барча ўлчов мезонлари инсон онгида объектив ҳамда субъектив шаклланади ва биз учун моҳиятга эга ҳисобланади.

“Фалсафа барча фанларнинг отаси. Фалсафани билмайдиган одам – медицина ёки таълим, санъат ёки маданият соҳаси вакили бўладими, бундан қатъий назар – ҳаётнинг, ўз касбининг маъно мазмунини яхши тушунмайди. Мисол учун, тарихни таҳлил қилиш учун ҳар бир воқеа ва жараёнга фалсафий қараш, уларни умумлаштирган ҳолда зарур хулосалар чиқара олиш керак. Шу боис тарихчи бўлиш учун фалсафий тафаккур қобилятига эга бўлиш даркор”<sup>9</sup>.

Диссертант эътирофича, тарихий қараш орқали инсон тафаккур тарзининг ривожланиши, инсониятда тафаккурнинг серқирралашуви тадрижий тарзда маълум қонуниятлар, меҳнат фаолиятининг такомиллашуви, табиат ва иқлим ўзгаришлари, кашфиёт ва янгиликлар, кураш ва зиддиятлар, энг асосийси сўзлашиш воситаси ҳисобланмиш тилнинг вужудга келиши ҳамда тобора ўсиб бораётган табиий ва шахсий эҳтиёжларининг маҳсули сифатида шаклланиб, ривожланиб боради. Буни айнан инсон онгининг инновацион шаклланиш жараён дейиш мумкин. Ҳозир ҳам шу жараён ўз-ўзидан давом этиб келмоқда. Тарихий-фалсафий нуқтаи назардан атрофлича тадқиқ қилиб чиқилса, асосан инсоннинг маънавий ва моддий қиёфасига эътибор қаратилади. Тафаккурнинг инновацион руҳда ривожланиши, тушунча ва қарашларни қуйидагича даврлаштирилган механизмлар асосида таҳлил қилиб чиқилган:

- Ибтидоий давр тафаккур босқичи;
- Оралиқ давр тафаккур босқичи;
- Антик давр тафаккур босқичи;
- Феодал давр тафаккур босқичи;
- Капиталистик давр тафаккур босқичи;
- Социалистик давр тафаккур босқичи;
- Демократик давр тафаккур босқичи;
- Фуқаролик давр тафаккур босқичи.

Диссертацияда тафаккурга нисбатан психологик, мантикий талқинлар таҳлилий асосда ўрганилган. Психологларнинг қарашларига кўра тафаккур, ижтимоий ҳаёт цикли жараёнида шаклланиб, у даставвал кенг предметли фаолият сифатида намоён бўлади. Кейинчалик у “ақлий” хатти-ҳаракат характерини олувчи шаклга айланади. Тафаккур инсон билиш фаолиятининг олий шакли сифатида атроф олами умумлаштирилган ҳолда воситали акс эттириш имконини беради, предметлар билан ҳодисалар ўртасида алоқа ва муносабатларни ташкил қилади<sup>10</sup>.

<sup>9</sup> Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2006. - Б.117.

<sup>10</sup> Нишанова З., Курбонова З., Абдиев С. Психодиагностика ва экспериментал психология. –Тошкент: “Тафаккур бўстони”, 2011. - Б. 39.

Диссертант фикрича, тафаккур бу – воқелик ва ҳодисалар, нарсалар ва олам ўртасидаги алоқадорликларнинг акс эттирилишига айтилади. Тафаккур ҳақидаги инновацион фикрлар тадқиқотчи олимларнинг қарашларида ўз аксини топиб борган.

Диссертант мулоҳазаларига кўра, тафаккур инсоннинг шундай ақлий фаолиятидирки, бу фаолият воқеликни энг аниқ, тўлиқ, чуқур ва умумлаштириб акс эттиришга (билишга), инсонни оқилона амалий фаолият билан шуғулланишига имкон берадиган психик жараёндр.

Мантиқ илмида тафаккур шакллари – ҳукм, хулоса чиқариш, тушунча сифатида асослаб берилади. Ҳукм – нарса ва ҳодисаларнинг белги, хусусиятлари ҳақида тасдиқ ёки инкор қилиб айтилган фикрдир. Чин ҳукм – нарса ва ҳодисаларда воқеликда ҳақиқатан ўзаро боғлиқ белгилар ажратиб кўрсатилган ҳукмдир. Хато ҳукм – ботиний оламга мос келмайдиган ҳукм сифатида ўрганилади.

Диссертацияда глобаллашув ва уни вужудга келтирувчи жараёнлар ҳамда воситалар ҳам таҳлил қилиб ўтилган. Интернет ва бошқа тармоқларнинг вужудга келишига ҳам атрофлича таҳлилий асосда ёндашилган. Глобаллашувни тезлаштирувчи омиллар сифатида газета ва журналлар, радио, ТВ (телевидения), интернет, компьютер, телефон ва бошқа телекоммуникация тармоқларини киритиш мумкин.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Глобаллашув шароитида ёшларнинг инновацион тафаккур ва креатив қобилиятларини шакллантириш”** деб номланган бўлиб, унда глобаллашув жараёни бугунги кунда илм-фан соҳасида асосий тадқиқот мавзусига айланиб бораётганлиги таъкидланади. Дунё миқёсида глобаллашув терминига нисбатан кўплаб таърифлар берилган. Глобаллашув бугунги кунда жаҳон миқёсида ўзининг ижобий ва салбий томонлари билан намоён бўлмоқда. Бу жараён ҳозирги даврда тобора шиддатли тус олиши натижасида ўзининг авж нуктасига кўтарилиб ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маърифий соҳаларда намоён бўлаётганлигини кузатиш мумкин.

Диссертант қайд этишича, шу ўринда ҳар бир нарса ва ҳодисани теран тафаккур қилиш орқали инсон глобаллашувнинг маъно-мазмунини ва туб моҳиятини нимада эканлигини англаб етмоқда.

“Глобаллашув энг аввало миллатсизланиш, миллатнинг йўқотилиши ёки унутилиши, миллий давлат қарашларининг йўқолиши ва тушунарсиз трансмиллий ҳаёт шаклидир”<sup>11</sup>. Агар глобаллашув иқтисодий моддий таянчга маблағ сарфлашга, маданий-маънавий меросга таянмаса, тафаккур ривожланиш йўлига эга бўла олмаслиги намоён бўлмоқда.

Диссертант фикрича, глобаллашув жараёнини кутиб ўтириб томоша қиладиган бўлса, ҳеч қандай янги нарса яратмаймиз ва ярата олмаймиз, амалиётга ҳам татбиқ қила олмаймиз, догмага ўхшаб қотиб қоламиз. Ким нимани яратса унга маҳлиё бўлиб ўтираверамиз, инновация (янгилик) ҳам креативлик ҳам йўқ, кўлимиздан келмайди, кила олмаймиз, салоҳиятимиз

<sup>11</sup> Ульрих Бек. Что такое глобализация. -Москва: Прогресс-Традиция, 2001. – С. 304.

етмайди деб баҳоналар излаб қоламиз. Аслида, таълим-тарбия бериш жараёнида ёшларда бошқаларнинг инновация ва янгиликларига ошиқ бўлишни эмас, шунга ўхшаш ёки унданда яхшироқ амалий ишлар қила олиши ва ярата олиши мумкинлигини тушунтира олиш, ўзининг бор имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш кўникмасини ҳамда уларни ғайритабиий фикрлаш қобилияти ҳисобланмиш креатив тафаккурлашни шакллантиришга эътибор қаратиш керак.

Диссертация мавзуси юзасидан ижтимоий сўровнома ўтказилган бўлиб унда 570 дан ортиқ респондент иштирок этган. Сўровнома саволлари ва натижалари диссертациянинг иловалар қисмида ўз аксини топган.

Диссертант мулоҳазаларига кўра, инновация бу янгиланиш ва ўзгариш бўлиб, ҳар қандай фаолият жараёнида қуйидаги қоидавий механизмларини эътироф этиш мумкин:

- қўлланилаётган инновацияда мақсаднинг ифодаланиши ва натижадорлиги механизми;

- дарс жараёнига қизиқишини ва иштиёқни уйғота олиши механизми;

- талабаларни илҳомлантириши механизми;

- бутун эътиборни, диққатни талабага ва ўтиллаётган дарсга йўналтирилганлиги механизми;

- аудиторияни бутунлай ўзгача фикрлаш ва лидерлар жамоасига айлантириш механизми;

- дарс жараёнида ноодатий усуллардан давомли фойдаланиш механизми;

- дарс машғулотининг мақсадни ифодалаган ҳолда яқунланиш механизми.

Диссертацияда инновацияларнинг асоси ҳисобланган креативлик ҳақида сўз юритиб, тажрибалардан шу нарса маълумки, ўқитувчилар маъруза машғулотларида кўпинча чекланган микдордаги усул ва воситалардан фойдаланадилар, - дея хулоса чиқарилган. Шунинг учун ҳам ўқитувчилар бир қанча креатив инновациялар қўллаш учун шай ҳолатда бўлмоғи лозим. Бу рўйхат кўпчилик ўқитувчилар томонидан қўлланилса, фаолиятини кенгроқ ташкил этиш имкониятини беради, педагогик фаолиятнинг самарадорлигини таъминлайди.

Диссертацияда инновация бу биргина таълим соҳасини эмас, қуйидагича соҳавий механизмларни ҳам ўз ичига олиши қайд этилган:

1) янгилик, янги нарсаларни жорий этиш, модернизация қилиш, ислоҳ қилиш;

2) ишлаб чиқариш соҳасида – янги техника-технологияларни қўллаш;

3) иқтисодиётда – янги технологияда иш-фаолиятни ташкил этиш ва бошқаришнинг янги шакллари, иқтисодий соҳаларга янги инвестицияларни жалб этиш;

4) тилшуносликда – янги тадқиқотлар, тилда янгилик (фонетик эмас) киритиш, қадимий кўлёзма асарларни ўрганиш ва бугунги илм-фанга олиб кириш;

5) фалсафада – замон руҳидаги янги қарашлар ва ёндашувлар ишлаб чиқиш, янгилаш ва бойитиш;

- 6) тиббиётда – янги даво, даволаш усуллари тадқиқ этиш ва қўллаш;
- 7) инсон ва унинг онгида – янги, фикр ва ғояларнинг вужудга келиши, унинг амалий ҳаётга тадбиқ этилиши;
- 8) таълимда – янги ўқитиш усуллари, воситаларини қўллаш ва мамлакатимиз таълим тизимини юксалтириш.

Шунинг учун ҳам ёшлар инновацион тафаккурни шакллантириш механизмларини етти турга бўлиш мумкин:

1. Тарихий тараққиёт босқичи;
2. Ирсий давр босқичи;
3. Оиладаги шаклланиш босқичи;
4. Ижимоий муҳит босқичи;
5. Таълим-тарбия босқичи;
6. Меҳнат ва касбий жамоа босқичи;
7. Моддият ва рағбатлантириш.

